



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СПОРТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ  
АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**Спортчиларни онлайн антидопинг таълим электрон платформасида  
ўқитишни йўлга қўйиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 8 майдаги ПҚ–149-сон қарорига мувофиқ, спортчиларнинг антидопинг қоидалари бўйича билим савиясини ошириш, билмаган ҳолда допинг қабул қилиш ҳолатларининг олдини олиш, таъқиқланган дори воситаларидан фойдаланмаслик, допинг тест топшириш жараёнидаги ҳуқуқлари билан таништириш ҳамда спортчи саломатлигига салбий таъсирларини ўргатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги қарор қилади:

**1. Қуйидагилар:**

спортчиларнинг қасддан ёки билмаган ҳолда допинг қабул қилиши орқали спортда эришган натижаларини бекор қилиш ҳолатлари кузатилаётганлиги;

Миллий антидопинг агентлиги томонидан “Антидопинг қоидалари, таъқиқланган моддалар ҳамда бу борада спортчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” ўқув дастури (кейинги ўринларда – ўқув дастури) ишлаб чиқилганлиги;

ўқув дастури **talim-uznada.uz** ҳаволаси ёрдамида онлайн шаклда “Антидопинг таълим электрон платформаси” орқали тақдим этилиши ҳамда спортчилар ушбу тизимга ягона идентификация (OneID) орқали кириши мумкинлиги;

ўқув дастурини **16 ёшдан юқори бўлган ҳамда спорт билан профессионал шуғулланувчилар** учун мустақил равишда номуайян муддатда ўзлаштириш имконияти яратилганлиги;

ўқув дастурини мувофақиятли ўзлаштириш якуни бўйича махсус сертификат (QR-кодли) тақдим этиш тизими йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2. Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги (Ш.Махмудов) Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги (А.Садиков) билан биргаликда Спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим муассасаларида спортчиларга “Антидопинг таълим электрон платформаси”дан фойдаланиш ва унинг мазмун моҳиятини жойларда тарғиб қилиш ишларини самарали ташкил этсин.**

**3. Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги (А.Садиков) “Антидопинг таълим электрон платформаси”ни узлуксиз ва сифатли равишда**

ишлашини таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар томонидан келиб тушадиган муурожаатларни тезкор кўриб чиқиш бўйича тизимни йўлга қўйсин.

4. Спорт турларини ривожлантириш марказлари ҳамда худудий спорт-таълим муассасаларининг раҳбарлари ўқув дастурини профессионал спорт билан доимий шуғулланаётган ўқувчи-спортчилар орасида тарғиб қилишни жонли кўргазмалар орқали ташкил қилсин.

5. Белгилансинки:

2024 йилнинг биринчи яримидан бошлаб ушбу ўқув дастурини ўзлаштириш ва махсус сертификатни олиш тажриба-синов тариқасида амалга оширилади;

2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон чемпионатлари ва кубокларида иштирок этадиган 16 ёшдан юқори бўлган спортчилардан босқичма-босқич “Антидопинг таълим электрон платформаси” орқали ўқув дастурини ўзлаштириш ва махсус сертификатни олиши тартиби жорий қилинади.

Бунда, халқаро спорт мусобақаларида иштирок этиш имконини берувчи WADA сертификатига эга бўлган спортчиларга ушбу тартиб тадбиқ этилмайди.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари бошлиқлари спорт-таълим муассасаларидаги спортчиларни “Антидопинг таълим электрон платформаси”даги ўқув дастурларини ўзлаштириш ва махсус сертификат (QR-кодли)ни олишини ташкил этсин ва назорат қилсин.

7. Мазкур қўшма қарор ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ва Миллий антидопинг агентлигининг масъул бўлинмалари ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича ҳар чоракда учрашувлар ўтказди ҳамда зарурий масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

8. Мазкур қўшма қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси спорт вазири ўринбосари Ш.Ш. Махмудов ва Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги директори А.А. Садиков зиммасига юклансин.

9. Мазкур қарор имзоланган кундан кучга киради.

Спорт вазири

Тошкент ш.,  
2024 йил 29 феврал,  
5-114 -сон

  
 А.Икрамов

Миллий антидопинг  
агентлиги директори

Тошкент ш.,  
2024 йил 29 феврал,  
4 -сон

  
 А.Садиков

**Кирилди:**


Миллий антидопинг  
агентлиги бўлим бошлиғи



Н.Ш.Эшқувватов

**Келишилди:**

Миллий антидопинг  
агентлиги директори



А.А.Садиков

Спорт вазири  
ўринбосари



Ш.Ш.Махмудов

Миллий олимпия қўмитаси  
раиси ўринбосари



Ш.Р.Ташматов